

ВИРТУАЛ ТИЗИМДА НУТКИЙ ДИСКУРСНИНГ СОЦИОМАДАНИЙ ВА ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.13.67.039>

Халилова Рухсора Рауповна,

*Бухоро давлат университети, Бошланғич таълим назарияси
кафедраси ўқитувчиси*

Аннотация: Маколада нутқий мулоқотнинг оғзаки ва ёзма кўриниши билан биргаликда виртуал мулоқотнинг мавжудлиги тўғрисида сўзланади. Виртуал мулоқот оддий мулоқотлардан фарқланиши ва унинг бир неча кўринишлари борлиги тўғрисида айтилган. Интернет виртуал майдонда бош асос бўлиб хизмат қилиши ва ҳосил бўлиши ҳақида айтиб ўтилган. коммуникатив-прагматик ўрганиши ёндошуви орқали тармоқ виртуал мулоқотни фойдаланувчиларнинг нутқини таҳлил қилиш имконини беради. Бу эса виртуал майдондаги нутқий мулоқот муаммосини ёритиб бериш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжудлигини тақозо этади.

Калим сўзлар: нутқий мулоқот, виртуал нутқий мулоқот, мулоқот жараёни, коммуникатив майдон, форум, глобал ва минтақавий тармоқ, аудио-визуал мулоқот, интернет, чат

РЕЧЬ В ВИРТУАЛЬНОЙ СИСТЕМЕ СОЦИАЛЬНО- КУЛЬТУРНЫЕ И ПРАГМАТИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА ДИСКУРСА

Халилова Рухсора Рауповна,

*Бухарский государственный университет,
преподаватель кафедры теории начального образования*

Аннотация: Статье обсуждается существование виртуального общения, наряду с устными и письменными формами вербального общения. Виртуальное общение отличается от обычного общения и имеет несколько проявлений. Благодаря коммуникативно-прагматическому подходу к обучению виртуальная коммуникация в сети позволяет анализировать речь пользователей. Это требует дальнейшего углубления научных исследований проблемы речевого общения в виртуальном поле.

Ключевые слова: речевое общение, виртуальное речевое общение, форум, глобальная и региональная сеть, аудиовизуальная коммуникация, Интернет, чат.

VIRTUAL SPEECH SOCIO-CULTURAL AND PRAGMATIC PROPERTIES OF DISCOURSE

Khalilova Rukhsora Raupovna,

Bukhara State University,

Lecturer at the Department of Theory of Primary Education

Abstract: *This article discusses the existence of virtual communication, along with oral and written forms of verbal communication. Virtual communication is different from normal communication and has several manifestations. Thanks to the communicative-pragmatic approach to learning, virtual communication in the network allows you to analyze the speech of users. This requires further deepening of scientific research on the problem of speech communication in the virtual field.*

Key words: *speech communication, virtual speech communication, forum, global and regional network, audiovisual communication, Internet, chat.*

Бугун янгиланишларнинг муҳим омилига айланиб бораётган замонавий ахборот технологиялари кириб бормаган соҳа ёки жабҳа қолмади. Шу боис юртимизда барча жабҳада, жумладан, иқтисодий-барқарорлик, ижтимоий фаровонликни таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш мақсадида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Интернет – бу ягона стандарт асосида фаолият кўрсатувчи жаҳон глобал компьютер тармоғи ёки вакили. У лотинчадан олинган бўлиб, inter — аро ва net (work) — тармоқ таркибий қисмларга ажратилади. Бу сўз икки хил талқин қилинади, яъни «International Network» – халқаро тармоқ ва «Interconnected networks» «тармоқлараро» деган маънони англатади[21,22]. Ўзининг алоҳида ахборот майдонига эга бўлган ушбу виртуал тўплам барча компьютерларнинг ўзаро маълумотлар алмашиш имкониятини яратиб бера олади. У маҳаллий (локал) компьютер тармоқларни бирлаштирувчи ахборот тизими бўлганлиги боис, унинг ҳар бир миждоғи ўзининг шахсий компютери орқали бошқа шаҳар ёки мамлакатга ахборот узатиш мумкин. Интернет ўз-ўзини шакллантирувчи ва бошқарувчи мураккаб тизим. У тармоқ воситаларини ягона стандарт асосида (ягона тилда) ишлашни таъминловчи дастур сифатида иккита асосий вазифасини бажарилади. Яъни, биринчиси ахборот макони ва иккинчиси коммуникацион восита.

Вертуал нутқий мулоқот оддий нутқий мулоқот каби уч таркибий қисмдан иборат: мулоқотни бошлаш, мулоқотни сақлаш ва мулоқотни яқунлаш. Фойдаланувчи ўзбек тили чатининг вертуал мулоқот маконида ўз борлигини ифодаловчи тил ва прагматик қоидаларига

асосланиб мулоқотни амалга оширади. Вертуал суҳбатни қуйидагича тавсифланиши мумкин: 1) мулоқотнинг оммавий характери; 2) алоқа йўналиши: кўпдан кўпгача; 3) синхрон алоқа; 4) хабар олувчига хабар беришнинг ўртача тезлиги; 5) хабар шакли ва мазмунига қатъий талабларнинг йўқлиги[4,7,15].

Интернет орқали видео мулоқот деганда фойдаланувчилар бир бирларини компьютер экранида (он-лайн тарзда) кўриб турадилар, яъни фойдаланувчиларнинг ҳаракатли тасвирлари бир-бирларига узатилади. Бу видео алоқани амалга ошириб берувчи қурилма веб камера деб номланади. Интернет орқали видео мулоқот жараёнида мулоқотда қатнашаётган барча фойдаланувчилар бир бирининг гапини эшитибгина қолмай, балки бир-бирларини кўриб ҳам туришади.

Вертуал мулоқот жараёни маълум бир шароитларда ва маълум бир омиллар таъсирида амалга ошади. Аввало мулоқот жараёни доим аниқ бир вазиятда амалда бўлади. Меъёрдаги мулоқот акти камида иккита иштирокчи бўлишини тақозо этади: гапирувчи (ёзувчи) ва тингловчи (ёзувчи). Бунда гапирувчи ва тингловчи роллари ўзгармайди. Вертуал майдондаги мулоқот актида онлайн бўлиши шарт. Вертуал майдондаги мулоқот соҳаси маълум бир умумий вазифа ва вазиятли шарт-шароитлар билан бирлашган мулоқот актлар мажмуаси бўлиб, коммуникатив ҳодиса сифатида активдир. Бундай мулоқот мутлақо турли хил соҳаларда амалга ошиши мумкин: кундалик мулоқот соҳаси (асосан шахслараро); sanoat мулоқот соҳаси; бизнес мулоқот соҳаси (ёки бизнес мулоқот); илмий, маърифий ва сиёсий нутқ соҳаси; туризм, спорт ва шоу-бизнес соҳаси; тиббий нутқ соҳаси; халқаро алоқа ва ҳ.к [8].

Вертуал майдонда мулоқот соҳаси турли хил булшидан қатъий назар мулоқот модели қуйидаги кўринишда намоён бўлади: манба – > кодлаш – > хабар – > декодлаш – > олувчи [8,10,13] «Кодлаш» бу ўринда манба матнининг турли ўзгаришларини ўз ичига олган хабарга ўтиш жараёнини англатади[13]. Вертуал майдондаги мулоқот жараёнини шакллантирадиган омилларни гуруҳлайдиган бўлсак, бир қатор имкониятларни кўриш мумкин: коммуникатор омили (мазкур жараёнга таъсир этувчи мақсад ва вазифаларини белгилайди); мақсадли аудитория омили (адресат манфаатларини белгилайди); мулоқот канали омили (чекловчилар сифатида майдонга чиқадиган, мазкур канал стандартларини белгилайди). Вертуал майдондаги нутқий мулоқотнинг объекти «чат» тизимидаги компьютер мулоқоти ҳисобланади. Компьютер ёки Internet мулоқот деганда (ҳатто махсус СМС термини ҳам мавжуд (СМС= computer-mediated communication) [3,10,19], бунда компьютер орқали инсонлар ўртасида нутқий мулоқот ва ахборот алмашиш билан боғлиқ коммуникатив ҳатти-ҳаракатларни тушуниш керак бўлади. Бу

компьютер тармоқларидаги масофавий мулоқот бўлиб, бу турдаги гаплар мулоқот канали асосида ажралиб туради. Иштирокчиларнинг бир-биридан узоқлиги ва замонавий компьютерларнинг ўзига хос технологияси бу мулоқотни ўзига хос тарзда намоён этади. Internet-мулоқотни таҳлил қилиш жараёнида компьютер мулоқотининг қуйидаги хусусиятлари мавжуд: 1) электрон сигнал (бу мулоқот канали ҳисобланади); 2) виртуаллик (номаълум жамоа билан алоқа, номаълум суҳбатдошлар билан мулоқот); 3) масофавий (макон ва замонда ажратиш ва бир вақтнинг ўзида синхронизация); 4) воситачилик (алоқа техник воситалар ёрдамида амалга оширилганлиги учун); 5) долзарблиги ва юқори даражадаги ўтказувчанлик (ҳар қандай шахс компьютер мулоқотининг иштирокчиси бўлиши мумкин); 6) гиперматнлилик; 7) компьютер матнларининг креативлиги (жанр қоришмаси); 8) тармоқ иштирокчиларининг асосан мақомига кўра тенглиги; 9) «кулгичлар» ёрдамида ҳиссиётлар, юз ифодаларининг узатилиши; 10) нутқнинг компьютер шакли барча турдаги гапларни бирлаштиш; 11) ўзига хос компьютер этикаси [2,7,8].

Internet-мулоқот инсонлар ўртасидаги мулоқотида янгича ўлчамини очиб берди. У катта ҳажмдаги ахборотларни сақлаш ва тез узатиш, audio ва video алоқа каналларидан фойдаланиш ва он-лайн режимида мулоқот қилиш имконини яратиб беради. Яъни респодентлар билан бевосита тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатишга замин яратилди. Компьютер мулоқоти virtual муҳитдаги мулоқот бўлиб, бу унинг бошқа нутқий мулоқот турларидан фарқловчи энг муҳим хусусиятидир. Вертуал мулоқот бошқа мулоқот турлари каби бир неча хил хусусиятларга эга. Масалан, қамрови нуқтаи назаридан компьютер мулоқот оммавий (бутун дунё билан алоқа), ички шахсий (фойдаланувчи ва компьютер ўртасидаги алоқа) ва гуруҳли мулоқот кўринишга эга. Вақт омилини, яъни мулоқот жараёнининг давомийлигини ҳисобга олган ҳолда компьютер мулоқот қисқа (электрон почта орқали хабарни олиш) ёки вақт бўйича чекланмаган (Internet-конференцияларда иштирок этиш) бўлиши мумкин. Шаклига кўра компьютер мулоқот оғзаки (овозли modem) ва ёзма (матн ва график)га бўлинади. График шакл – ҳарфлар ташқари бошқа тасвирлар, диаграммалар ва ҳоказоларни узатишни англатади. Мулоқот усулига кўра компьютерли мулоқот воситали алоқа ҳисобланади, чунки у техник воситалар ёрдамида амалга оширилади. Ахборотни узатиш ва идрок қилиш каналига кўра компьютер мулоқоти ҳақиқий (реал инсонлар билан мулоқот) ва virtual (номаълум, хаёлий суҳбатдошлар билан мулоқот) га бўлинади [2,3].

Шундай қилиб, компьютер мулоқотни ўрганиш бўйича қуйидаги

назарий моделини бешта омиллар кўра тасвирлаш мумкин:

қамрови бўйича (оммавий, гуруҳли ва интерперсонал);

вақтга асосланган (қисқа ва чегараланмаган вақт ичида);

ёзма (матнли ва график) ва оғзаки (audio модемдан фойдаланганда ҳолда) шаклда;

узатиш канали бўйича (ҳақиқий, virtual);

алоқа усулига кўра (ҳар доим билвосита).

Вертуал мулоқот шахсга йўналтирилган (электрон почта ёзишмалари) ёки мақомга йўналтирилган (турли мавзулардаги конференцияларда мулоқот: сиёсат, sport, тиббиёт, фан ва бошқалар) бўлиши мумкин. Унда нутқнинг барча турларига оид хусусиятлари мавжуд бўлади. Нутқнинг компьютер тури оммавий мулоқот билан кўп боғлиқлик жиҳатлари бўлса-да, аммо у билан тўлиқ мос келмайди. Жумладан, оммавий ахборотдан фарқли равишда компьютер мулоқот ўзаро йўналтирилган бўлиб, кўпгина матнлар шахсий характерга эга бўлади. Шунини таъкидлаш керакки, ахборот технологияларининг фаол ривожланиши ва инсонларнинг кундалик ҳаётида қўлланилиши ҳисобга олган ҳолда, компьютер ва инсон ўртасидаги муаммолар бугунги кунда асосий босқичга кўтарди.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, вертуал мулоқотни коммуникатив-прагматик ўрганиш ёндошуви орқали тармоқ фойдаланувчиларининг нутқини таҳлил қилиш имконини беради. Бу эса вертуал майдондаги нутқий мулоқот муаммосини ёритиб бериш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжудлигини тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Галичкина, Е. Н. Компьютерная конференция в системе жанров компьютерного общения. Межвузовский сборник научных трудов - Саратов: Изд-во «Научная книга», 2003. - Выпуск 9. - С. 276-280.

2. Демьянков, В. З. Интерпретация, понимание и лингвистические аспекты их моделирования на — М.: Изд-во Моск. ун-та, 1989.- 172 с.

3. Жичкина, А.Е. Социально-психологические аспекты общения в Интернетe [http:// floqiston.ru/projects/articles/strategy.shtm/](http://floqiston.ru/projects/articles/strategy.shtm/).

4. Карцевский С. Об асимметричном дуализме лингвистического знака // Звегинцев В.А. История языкознания в очерках и извлечениях. Ч. II. —Москва: Просвещение, 1965. —85 с.

5. Кашкин В.Б. Введение в теорию коммуникации. Воронеж, 2000.- С.221-234.

6. Кремлева, С. «ЧАТ» как разновидность виртуального общения // <http://sociology.extrim.ru/dip/start.htm>

7. Лошманова Л.Т. Жаргонизированная лексика в бытовой речи



молодёжи 50-60-х годов. Автореф.дисс...канд.филол.наук. –Ленинград, 1975.-С.57-59.

8. Овчарова, К. В. Электронный дискурс: общая характеристика // Лингвистическая организация дискурса: функциональные и содержательные аспекты : Межвуз. сб. тр. молодых ученых. — Краснодар, 2004. - Вып.1. - С. 108-113.

9. Миртожиев М.,Махмудов Н. Тил ва маданият.– Тошкент: Ўзбекистон, 1992.– 110 б.

10. Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари:Филол.фан.д-ри. ... дисс. –Тошкент, 2000. –Б. 198-204.

11. Почепцов Г.Г. О месте прагматического элемента в лингвистическом описании // Прагматические и семантические аспекты синтаксиса. –Калилин: КГУ, 1985. –С. 12-18.

12. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. – Москва: Наука, 1971. –С. 95.

13. Соссюр Ф. Труды по языкознанию. –Москва: Прогресс, 1977. –С. 52.

14. Стратен В.В. Арго и арготизм. – В сб.: «Труды комиссии по русскому языку». –Ленинград, 1931.-С.91-98

15. Тоирова Г.Этносоциопрагматика ёки прагматик социолингвистика ҳақида. БухДУ илмий ахбороти. 2008, № 1. –Б.53-55.

16. Тоирова Г. Нутқий мулоқотнинг лисоний вербал ва лисоний новербал воситалари хусусида (саломлашиш мисолида). БухДУ илмий ахбороти. 2018, № 1. –Б.67-74.

17. Формановская, Н. И. Речевой этикет и культура общения. - М.: Высшая школа, 1989. - 415 с.

18. Қиличев Э. Бадиий тасвирнинг лексик воситалари. –Тошкент: Фан, 1982. –Б. 43-53.

19. <https://sites.google.com/site/comnetschool/mir-obedinennyj-v-set/cto-takoe-internet>

20. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/internet-uz/>